

**Мелиорацияни ташкил этилиши, Мелиорация соҳасида амалга
оширилаётган ишлар ва Мелиоратив экспедициялар асосий иш
фаолияти тўғрисида маълумот.**

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратида 1966 йилда Мелиорация бошқармаси ташкил этилган.

1967,1970-1974 йиллар давомида вилоятларда Мелиоратив тизимлар бошқармалари ташкил этилган.

1981-1996 йилларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 1981-йил 27 июлдаги №1393-сонли буйруғига асосан Вилоят сув хўжалиги бошқармаси таркибидаги вилоят Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси ташкил этилди.

1996-йилдан Вилоят Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси тўғридан-тўғри вазирликка бўйсунган.

2003-йилдан ҳозирги кунгача Вилоят Гидрогеология-мелиоратив экспедициялари Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузурида фаолият юритиб келмоқда.

Республикамиз шароитида суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг унумдорлигини яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили ва сифатини ошириш ерларнинг мелиоратив ҳолатига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистоннинг асосий дарёларида охириги йилларда сувларнинг шўрланиш даражаси тобора ортиб кетмоқда. Бунинг асосий сабаби дарёларга кўп оқова, зовур сувлари ва бошқа чиқинди суюқликлар тўкиб юборилиши оқибатида вужудга келмоқда. Тупроқнинг иккиламчи шўрланиши, захобни тупроқ сатҳига якинлигидан ҳам уларнинг шўрланишидан юзага келади. Энг аввало шўрланган захоб юқорига кўтарилиб, тупроқни шўрланишига олиб келади. Шўрланган ерларда мелиоратив тадбирларни бажаришга тўла имкониятлар бўлмаса тупроқ тез орада кучли шўрланади, унумдорлиги пасаяди, ҳосилдорлиги камаяди. Махсус мелиоратив тадбирларни бажармасдан шўрланган тупроқларда экинлардан юқори ҳосил олиш мушкул ва мумкин эмас. Мелиоратив мутахассисларнинг фикрича тупроқ кучсиз ҳамда ўртача шўрланганда, Республика бўйича салкам 1 млн. тонна пахта ҳосили йўқотилади. Ўзбекистон тупроқларнинг ярмидан кўп қисми шўрланганлигини ҳисобга олсак, барча мелиоратив тадбирларни мажмуий бажарилса ва амалга оширилса қўшимча 1 млн. тонна пахта ҳосили йиғиб олиш мумкин.

Сувда эрийдиган тузлар жуда ҳаракатчан бўлганлиги сабабли шўрланган майдонлари ўзгариб туради, табиат ва хўжалик шароитларига қараб шўрланган ерлар майдони қисқа муддат давомида кўпайиб ёки камайиб кетиши мумкин. Мутахассислар томонидан шўрланган ерларни ҳар хил гуруҳларга бўлиб чиқилган ва тупроқларнинг мелиоратив ҳолати белгиланган. Мисол учун:

Қарши чўли тупроқларининг мелиоратив ҳолати А.М.Расулов (1976 йил) томонидан яхши ўрганилган. Қарши чўлининг тупроқларини ўзлаштирилиши ва суғорилиши натижаларининг кўрсатишича, баъзи бир туманларда тупроқларнинг иккиламчи шўрланиши кўрсатилмоқда. Бунинг олдини олиш учун ерларнинг шўри кўпайишига йўл қўймаслик керак. Унумсиз тупроқлар зовур тизимсиз суғорилганда гидрогеологик шароитни салбий томонга ўзгартиради, зарарли тузларни ҳар тарафга ҳаракатлантиради ҳамда захоб юқорига кўтарилади. Вужудга

келган шароитда тез орада мазкур далаларда коллектор, зовурлар куриш тупроқ шўрланиши камайитиришда ижобий натижа беради.

Бундан ташқари, тупроқда иккиламчи шўрланиш пайдо бўлиши зовурларни тезкор куриш зарурлигини тавсия этилади. Шўрланган тупроқларда коллектор ва зовурларни куриш ерларни мелиоратив ҳолатини соғломлаштириш, маданийлаштириш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишни таъминлайди, тупроқни ишлаб чиқариш қобилиятини ижобий томонга ўзгартиради. Демак, шўр тупроқларни мелиорациялаш тадбирларини бажариш экин ҳосилини оширади.

Мелиоратив экспедицияларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўз балансидаги давлат магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллектор, ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини ишчи ҳолда бўлишини таъминлайди ва ривожлантиради;

мелиоратив насос станциялари ҳамда вертикал дренаж қудуқларининг иш режимини белгилайди ва унга амал қилади;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, йирик суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари сувининг сифати бўйича мониторинг олиб боради ва тегишли ҳисоботларни юритади;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати кадастрини юритади ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини, мелиорация тармоқларининг техник ҳолатини яхшилаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

Ер ости сизот сувлари сатҳи жойлашуви бўйича ҳар 10 кунда кузатишлар олиб борилади;

Суғориладиган ерлардан (кучли ва ўртача шўрланган майдонларда ҳар 100 гектардан 16 та, кам шўрланган майдонларда ҳар 100 гектардан 10-12 та нуқтада) тупроқ наъмуналари олинади ва лаборатория шароитида шўрланганлик даражаси аниқланади;

Ҳар бир фермерлар майдони кесимида Географик маълумотлар тизими (МИС мелиорция) базасини яратиш, махсус хариталар тузиш;

Мелиоратив экспедициялар қуйидаги асосий функцияларни амалга оширади:

Ўз балансидаги магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллектор ҳамда ёпиқ горизонтал дренаж тармоқлари, улардаги мелиоратив насос станциялари ва агрегатларни, гидротехника иншоотларини, автотранспортларни ишчи ҳолда бўлишини ва белгиланган режимда ишлашини таъминлайди;

ерларнинг мелиоратив кузатув тизимини ривожлантириш ва ишчи ҳолатда сақлаб, белгиланган тартибда мониторинг олиб боради;

ерларнинг мелиоратив ҳолати, суғориш ва дренаж тармоқлари сувининг сифати бўйича мониторинг юритиш, географик ахборот тизимини ривожлантириш, замонавий технологияларни ишлаб чиқишни ташкил этади ва жорий қилади;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив кадастрини тузади ва уларнинг ҳисоботини олиб боради;

кластер ва фермер хўжаликлари тасарруфидаги коллектор тармоқларининг техник ҳолатини ўрганади ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар беради;

суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражасини аниқлаш ишларини ташкил этиш ва улар асосида ҳар бир ердан фойдаланувчиларга шўрланган ерларнинг жойлашуви, шўр ювиш меъёри бўйича тавсиялар беради ва уларни шўр ювишга тайёрлайди ҳамда шўр ювишнинг самарадорлиги устидан назорат олиб боради;

вертикал дренаж кудуклари иш тартибини режалаштириш, уларга шароитга қараб тузатишлар киритиш, назорат қилиш ва чиқарилган сувлардан фойдаланиш ҳисоботини олиб боради;

суғориладиган ерларнинг ер ости сизот ва босим сувларининг жойлашиш сатҳини мавжуд кузатув тармоқлари орқали мунтазам ўлчайди ва назорат олиб боради;

тасарруфидаги коллектор-дренаж тармоқлари ва бошқа мелиоратив иншоотларни паспортлаштириш ва қайта рўйхатдан ўтказиш ишларини олиб боради;

материалл-техника ресурсларидан, маблағлардан оқилона ва мақсадли фойдаланишни таъминлайди;

табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилишини мувофиқлаштириш, экспедиция балансидаги коллектор-дренаж тармоқларини тоза сақланишини таъминлайди;

суғориладиган майдонларда сув ва туз мувозанати ҳисоботини олиб боради;

суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувларининг жойлашиши сатҳи ва шўрланиш ҳаритасини ҳар йили 1 апрель, 1 июнь ва 1 октябрь ҳолатига тузади;

мелиоратив ҳолати ёмон ерларни яхшилаш учун лойиҳалаш ишларида қатнашади, хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлашга, вертикал дренаж кудукларини қуришга тавсияномалар беради;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича вилоятнинг келгуси йил учун ва кўп йиллик ҳудудий дастурларини шакллантиришда қатнашади;

Мелиоратив кадастр ва суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини бўйича.

-суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва мелиорация тармоқларининг техник ҳолатини яхшилаш ҳамда ривожлантириш.

- мелиоратив кадастрини тузиш ва ҳисоботини юритиши.

-сизот сувлари сатҳининг суғориш (вегетация) давридаги ўртача чуқурлиги жадвалини ва ҳаритасини тузиш.

-сизот сувлари шўрланганлигининг 1-июлга бўлган ҳолати жадвалини ва ҳаритасини тузиш.

-тупроқ шўрланиш даражаси бўйича жадвалини ва ҳаритасини тузиш.

- мелиоратив ҳолатини тавсифлаш харитаси ва жадвалини тузиш.

-мелиоратив қониқарсиз ерлардан асосий қишлоқ хўжалик экинларидан олинган ҳосилдорлиги бўйича маълумотларини юритиш.

-мелиоратив қониқарсиз ерларни келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш.

-мелиоратив тадбирлар амалга оширилган ҳудудларда (фермерлар кесимида) эришилган самадорликни аниқлаш.

-кластер ва фермер хўжаликларида ерларни мелиоратив ҳолати ва амалга ошириладиган тадбирлар тўғрисида тавсиялар бериш.

-мелиоратив қониқарсиз ерлар чизифига тушган хўжаликлараро, ички хўжалик ва ёпиқ-ётиқ дренажларни техник ҳолатини аниқлаш.

-мелиоратив қониқарсиз ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар учун лойиха смета ҳужжатларини тайёрлашга тавсияномалар бериш.

Давлат дастурига киритилаётган лойихаларни техник тавсифномаси (аннотация)ни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш.

Қашқадарё вилоятида жами **522609** гектар суғориладиган майдонлар мавжуд бўлиб, ушбу майдонлардан сизот сувларини олиб чиқиб кетиш учун **13682,061** км узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари хизмат қилади.

Суғориладиган майдонларининг мелиоратив ҳолатини мавжуд 3621 дона кузатув қудуқларидан сизот сувлари сатхи чуқурлиги ўлчаниб, шўрланганлиги аниқланганда, 519680 гектар майдондан ёки 22722 нуқтадан тупроқ намуналари олиниб, таҳлил қилинганда, ҳамда жами 13682,061 км узунликдаги шундан: 8706,269 км очиқ коллекторлар ва 4975,792 км ёпиқ-ётиқ дренажлар хизмат қиладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаганимизда:

-Яхши ерлар	305150 гектар	58 фоизни
-Қониқарли ерлар	207510 гектар	40 фоизни
-Қониқарсиз ерлар	9950 гектар	2 фоизни

ташkil этади.

Сизот сувлари шўрланганлиги бўйича.

-1 г/л гача бўлган майдонлар	126700 гектар	24 фоизни
-1-3 г/л гача бўлган майдонлар	86620 гектар	17 фоизни
-3 г/л дан юқори бўлган майдонлар	309290 гектар	59 фоизни

ташkil қилади.

Тупроқ шўрланиши бўйича.

519680 гектар майдонлардан, 22722 нуқтадан олинган тупроқ намунасини лабораторияда таҳлил қилинганда суғориладиган майдонларни шўрланиши қуйидагича:

-Шўрланмаган майдон	305230 гектар	58 фоизни
-Кучсиз шўрланган майдон	174090 гектар	33 фоизни
-Ўртача шўрланган майдон	34630 гектар	7 фоизни
-Кучли ва жуда кучли шўрланган майдон	8660 гектар	ёки 2 фоизни

ташkil этади.

Сизот сувлари сатхи чуқурлиги бўйича.

Мавжуд 3621 дона кузатув қудуқларидаги сизот сувлари сатхи чуқурлиги ўлчанганда, суғориладиган майдонларнинг ер ости сизот сувлари сатхи чуқурлиги бўйича бўлинганлиги қуйидагича:

1-1,5 метргача бўлган майдон	80 гектар	0,02 фоизни
1,5-2,0 метргача бўлган майдон	1600 гектар	0,31 фоизни
2,0-3,0 метргача бўлган майдон	77480 гектар	14,83 фоизни
3,0-5,0 метргача бўлган майдон	244440 гектар	46,78 фоизни
5,0 метрдан паст бўлган майдон	199020 гектар	38,06 фоизни

ташkil қилади.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ишлаб чиқилган Давлат дастури асосида 2024-йилда вилоят бўйича жами қуввати 670,01 км узунликдаги тизимли таъмирлаш-тиклаш, ҳамда қуриш ва қайта қуриш (реконструкция) ишлари амалга оширилди, натижада 18656 гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришилди.

Жумладан: 644,45 км узунликдаги тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилиб, 18266 гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Шунингдек 25,56 км узунликдаги қуриш ва қайта қуриш (реконструкция) ишлари амалга оширилиб 390 гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиши учун замин яратиб берилди.